



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 16 декабрь, № 241 (6424) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан меҳнат ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Унда куйи палата депутатлари, мутаассадди вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбар-ходимлари, экспертлар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлашга оид ҳуқуқлари таъминлангани, унинг қонунчилик базаси яратилгани, фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш мақсадида уларнинг унумли ва ижодий меҳнат қилишини ривожлантиришга қўмаклашиш, иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ҳамда меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган аҳоли қатламни иш билан таъминлашга қўмаклашиш чора-тадбирлари тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Булар, ўз навбатида, Конституциямизда, Меҳнат кодексиди, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Ишлаб

чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида"ги ҳамда "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида"ги қонунларда ўз ифодасини топган.

— Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида халқимиз турмуш фаровонлигини, аҳоли даромадларини юксалтириш, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга тўхталиб, янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда охириги 5 йилнинг ўзига 5 миллионга яқин янги иш ўрни яратилганини қайд этиб ўтди, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Ойбек Эгамов. — Ўтказилган давра суҳбатида меҳнат муҳофазасига оид қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳолати таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Германиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда мустақил ривожланиш йиллари давомида юртимизда эришилган улкан муваффақиятлар, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга алоҳида урғу берилди.

Берлинда бўлиб ўтган тадбир Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланди

Таъкидланганидек, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо қилиш, ижтимоий йўналтирилган кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларининг адо этилишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг серкира муваффақиятлари, яъни иқтисодиётидаги барқарор ўсиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, шунингдек, республиканинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётгани мамлакат Асосий Қонунида ўз ифодасини топган мақсад, тамойил ва меъёрлар ҳаётга изчил

татбиқ этилаётганининг натижалари ҳисобланади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти хусусида алоҳида фикр юритилди. Қолаверса, тадбир қатнашчилари юртимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбир сўнггида "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири иштирокчиларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Жумладан, немис тадбиркори ва бизнес-маслаҳатчиси Томас Кувка мамлакатимиз раҳбариятининг тизимли ислохотларни янада чуқурлаштиришга ҳамда иқтисодиётни диверсификациялашга, хусусан, чет эл сармоясини фаол жалб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Германиялик ишбилармон бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этар экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар қандай давлат иқтисодиётининг лоқомотиби ҳисобланганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазирамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" номли маърузасида юртимизда ҳозирги кунга қадар барча жабҳада, чунинчи, қонун ижодкорлиги соҳасида эришилган ютуқ ҳамда марралар чуқур таҳлил этилган ҳолда, бундан кейин ривожланишнинг қайси вазифалари диққат-эътиборимизда бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

МУНОСАБАТ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қайси ҳуқуқий давлат ўз сиёсатини амалга оширишда қонун устуворлиги принципининг сўзсиз рию этилишини таъминлашга интилади.

Қонун маъноси унинг нечоғли амал қилинишига боғлиқлигидан келиб чиқиб айтиш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилишидан то кучга киргунгача бўлган барча босқичнинг самарали ташкил этилиши унинг ҳаётлигига, ҳалқчиллигига ва пировардида амалиётга бевоқиф қўла-нилишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, муайян ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солиш тизими мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида қонунларнинг ўзида унинг ижро механизмларини имкон қадар тула акс эттириш ёки қабул қилинаётган қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ барча қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини қонун кучга киргунгача бўлган жараёнда тайёрлаш ва ўз вақтида эълон қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини оширишда, шу билан бирга, қонуннинг ижтимоий маъноси юксалишига муҳим аҳамиятга эга.

Бунда қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этувчи барча субъектдан юксак масъулият ва профессионал ёндашув талаб этилади.

Қонун устуворлиги принципнинг ҳаётлигини таъминловчи яна бир муҳим вазифа — қонунларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилиши бўйича жавобгарлигини кучайтиришдир. Зеро, ушбу вазифанинг бажарилиши шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ўз вақтида танишишлари, энг аввало, юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлардан хабардорлигини оширади. Шу билан бирга, қонун билан белгиланган ҳуқуқларидан самарали фойдаланишлари-га имкон яратиб, мамлакат раҳбарлиги дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳам аҳоли билан ишлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Пойтахтимизда "Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлиги: ҳолати ва истиқболлари" мавзусида I республика ёш тадбиркорлар бизнес-форуми ўз ишини бошлади.

Қатъиятли, интилувчан, ташаббускор

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирнинг очилиш маросимиди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, ўз бизнесини йўлга қўйган ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш энг устувор вазифалардан бирига айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди.

(Давоми 4-бетда).

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

ҳар бир ота-онанинг эзгу мақсадидир



Ҳосен ПАЙДЮЕВ олган сурат.

2016 йил — соғлом она ва бола йили

Дарҳақиқат, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, "Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзанди-

нинг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамisha эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриётининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди".

Шундан бўлса керак, фарзандини бекаму кўст ўстириш, уни эл-юрт қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаш болажон халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу

фазилат ҳисобланади. Мустақиллик йилларида миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли бу борадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилди.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик саодати

...Эрта тонгдан янги ётқизилган пўлат излар бўйлаб ҳаракатланган поезд қисқа фурсатда Оҳангарон воҳасининг Чинор, Тангатопти, Четсув, Кўксарой қишлоқларини кесиб, доvon сари ошиқади.

ФАХР

Вагон купесининг очик эшиги ўз-ўзидан сурилиб, ёпила бошлади. Бунинг ажабланидан жойи йўқ, чунки йўловчилар денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландлик сари кўтарилаётганини жуда яхши билишди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан жойларда ташкил этилаётган маърифий ўрчашулар, самимий мулоқотлар, мамлакатимизнинг диққатга сазовор гўшаларига уюштирилаётган сайру саёхатлар ҳар бир юртдошимиз кўнглида бир олам завқ, фахр-ифтихор уйғотмоқда, тинч ва фаровон ҳаётимиз

учун шукроналик туйғуларини жўш урдирраётир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ана шундай тадбирлардан бири иштирокчилар ёдида умрбод сақланиб қолса, ажабмас. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасидаги тадбир вилоятнинг бир гуруҳ нурунийлари ва иқтидорли ёшлари учун Қамчиқ дово-ни бўйлаб қуриллаётган "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси билан яқиндан танишиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Энг яхши педагоглар эътироф этилди

"Туркистон" саройида "Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" республика кўрик-танлови фойдаларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлар мутасаддилари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, педагоглар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида фидойилик кўрсатаётган педагоглар меҳнатини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, жумладан, уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча имконият яратиб берилаётгани тадбирда алоҳида таъкидланди. Бинобарин, истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилингани таълим-тарбия

соҳасини бугунги кун талаблари даражасида шакллантириш имконини яратди. Хусусан, республикамизнинг барча ҳудудидида замонавий таълим муассасалари барпо этилиб, уларнинг моддий-техника базаси изчил такомиллаштирилиб борилаётир. Ана шундай масканларда пухта билим олган ёшларимиз Ватонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишяпти. Эртамиз эгаларининг интилиши, шижоати, интеллектуал салоҳиятига эндиликда дунё ҳамжамияти ҳавас билан қараётгани, албатта, ҳар биримизни чеқсиз гурурлантиради.

Албатта, таълимдаги ислохотлар педагог кадрлар салоҳиятини мунтазам ошириб бориш, уларнинг ўз устида тинимсиз ишлашини таъминлаш, тажрибасини бойитишни тақозо этади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндани "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим аҳамиятга эга.

"Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги" танлови ҳам ўқитувчи ҳамда мураббийлар меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган. Унинг республика босқичида мингдан зиёд педагог қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА — ИСЛОХОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов таълифи билан кириб келаётган янги — 2016 йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Шу билан бирга, келгуси йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш борасидаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш, шунингдек, эртамиз эгалари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, коллеж битирувчилари, энг аввало, қизлар бандлигини таъминлаш кабилар шулар жумласидандир. Мазкур вазифаларни муваффақиятли бажариш, шубҳасиз, маҳалла фаолларидан ҳам катта масъулият талаб этади. Шундан келиб чиқиб, муҳбиримиз ушбу соҳада самарали фаолият олиб бораётган айрим юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йилнинг мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши маҳалла тизими фаоллари томонидан катта маъмуният билан қарши олинди. Унда илгари сурилган устувор вазифалар маҳалла фаолларига бевоқиф ва билвосита тааллуқлидир. Жумладан, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомилдор аёлларнинг асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парварши қилиш, уларнинг овқатланиш рақсонлиги жиддий аҳамият бериш каби масалаларга эътибор қаратиш айна зарурат ҳисобланади.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Пировардида ўтган йилларда соҳанинг мустақам ҳуқуқий-метёрий

(Давоми 2-бетда).



Жаҳон 24 соат ичида... Хиндистоннинг "Mahindra&Mahindra" концерни Италиaning дунёга машҳур дизайнерлик уйи - "Pinfarina"ни сотиб олиш юзасидан деярли келишувга эришди.

Деярли келишувга эришди

Бу ҳақда "Евроныс" телеканалли хабар тарқатди. Қизиқ жиҳати, ушбу харид талабдорга нисбатан арзонга тушаяпти. Яъни концерн ателье акцияларининг ҳар бирини атиги 1,1 евродан сотиб олади. Умумий ҳисобда қимматли қоғозларнинг түртдан уч қисмига эгаллик қилади. Лекин шартноманинг жами қиймати ошқор этилмаган.

Эски трамвайнинг янги саёҳати

Дунёдаги электр трамвайларнинг энг "кекса"си Норвегия пойтахти Осло шаҳрида бўлиб, у Янги йил байрами арафасида яна ҳаракатлана бошлади.



Юз ёшли транспорт воситаси турли чироқлар билан безатилган. У оркестр ҳамкорлигида маҳаллий аҳоли ва сайёҳларга кўтаришда қайфият улашяпти.

Иўловчилар тарихнинг бир қисмига айланган мазкур трамвай билан ақнидан танишиш, ҳатто, унда бепул сайр қилишлари мумкин.

Йўлдаги ҳодиса

Аргентинада йирик йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди.

Манбада айтилишича, полиция ходимларини олиб кетаётган автобус кўприкдан қуриб қолган дарёга қулаб тушган. Оқибатда 43 киши ҳаётдан кўз юмди, саккиз киши жароҳатланди. Бахтсиз ҳодиса транспорт воситаси шинасининг ёрилиши туфайли келиб чиққан бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

Авиабозорда ҳам ўрнини топмоқчи

Япониянинг "Honda Motor" концерни АҚШ Фуқаро авиацияси федерал агентлигидан бизнес-класс русумидаги биринчи самолётини сотиш учун рухсат олди.



"HondaJet" деб номланган ҳаво лайнери муваффақиятли синовдан ўтказилган, ана шундай сертификатга эга бўлди. Шу пайтгача мазкур компания ўз автомобиллари ва мотоцикллари билан машҳур эди. Энди у етти ўринли тезувар самолёти билан ҳам жаҳон авиация бозорида ўз ўрнини топмоқчи.

Нақшинкор соат

Швейцариянинг "Vacheron Constantin" компанияси келгуси йил январь ойида Женевада соатсозлик санъати бўйича бўлиб ўтадиган халқаро салонда кўргазмага қўйиладиган маҳсулотини намойиш этди.



Усталар томонидан ушбу соатга шарқона нақшлар, хитой каштадўзлиги, қадимги ҳинд кўлёмалари ва французча кунгуралар шаклидан муқояса олинган ҳолда безак берилган. Унга жуда нозик механизмлар ўрнатилган бўлиб, ўта юқори аниқликда ишлайди.

Экологик тоза пойабзал

Германиянинг "Adidas" компанияси "Parley for the Oceans" ташкилоти билан ҳамкорликда океан чиқиндиларидан 3D-технологиялари асосида кроссовка яратди.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кичик бизнеснинг салмоқли улуши

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда таянч куч. Мамлакатимизда истиқлол йилларида кўлга киритилган муваффақиятлар мисолида бунга гувоҳимиз. Чунки мазкур соҳа бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини тез ўзгартириш, кўплаб иш ўринлари очиш имкониятига эга. Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки қанлариданоқ кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз натижасини кўрсатапти.

ИНТИЛИШ

Пойтахтимиздаги "AZN" масъулияти чекланган жамияти юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли жадал ривожланиб бораётган кичик бизнес субъектларида биридир. — Бизнесда муваффақият қозонишда ғайрат-шижоватнинг ўзи камлик қилади, — дейди унинг раҳбари Анвар Назиров. — Бунда ташаббус ҳам кўллаб-қувватланиши керак. Шундагина истиқболли режалар амалга боради. Мисол учун, биз 1999 йилда хусусий тадбиркорликка кўл урган чоғимизда ташландик бинодан бошқа нарсамиз йўқ эди. Шу боис дастлаб эски русумдаги, ишдан чиққан дастгоҳларни таъмирлаб ишлатганмиз. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмади. Давлатимиз томонида тадбиркорлик ҳаракати га қаратилган эътибор, кўрсатилган молиявий кўмак туфайли тезда оёққа туриб олдик. Пировардида юртимизда биринчи бўлиб савдо-сотик санъатида кенг фойдаланиладиган совутиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхоналари учун зарур жиҳозлар четдан келтирилган бўлса, эндиликда "AZN" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилган сифатли, яъни импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга талаб кўн сайин ортмоқда. Бу жиҳат эътиборга олинади, замонавий технологик ускуналар жалб этилган ҳолда, ишлаб чиқариш цехи тубдан модернизация қилинди. Бунинг самараси ўларок, керакли бутловчи қисмлар тайёрлаш маҳаллийлаштирилди, янги турдаги рақобатдош совитиш ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. — Бизнинг корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар нархи хорижийкига қараганда икки баравар арзон, сифат кўрсаткичлари бўйича эса улардан асло қолишмайди, — дейди А. Назиров. — Шунинг учун бу юртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Дастлаб Ташкент шаҳридаги тадбиркорларга шартнома асосида маҳсулот етказиб берган бўлсак, айти пайтда республикамизнинг барча ҳудудида доимий мижозларимиз бор.

Чиндан ҳам, ҳозирги кунда юртимиздаги энг йирик супермаркетлар ва деҳқон

мўҳтасар айтганда, юртимизда бизнес юритиш учун яратилган қўлай мўҳит, ишбилармонларга тақдим этилаётган имтиёзлар корхона жамоасини маҳсулотлар турини кўпайтириш йўлида астойдил меҳнат қилишга ундамоқда.

Умумий ҳисобда, бизнинг иқтисодимизда кичик бизнеснинг улуши ҳар йили астойдил ўсаяпти. Бу мана шундан далолат бериши мумкин. — Шунинг учун бу юртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Дастлаб Ташкент шаҳридаги тадбиркорларга шартнома асосида маҳсулот етказиб берган бўлсак, айти пайтда республикамизнинг барча ҳудудида доимий мижозларимиз бор.

Умсон УСМОНОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

Advertisement for investment fund. Text: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади. Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади. Танловда лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим: 1. ариза (намуна бўйича); 2. инвестиция таклифи (намуна бўйича); 3. инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Advertisement for XALQ BANKI. Text: ХАЛҚ BANKI КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА! Акциядорлик тижорат Халқ банки халқаро VISA пластик карточкалари учун ПИН-конвертларни харид қилиш бўйича танлов муддати узайтирилганини билдиради. 1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили ва телефони: Акциядорлик тижорат Халқ банки, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 3-уй. Телефонлар: (+99871) 120-17-65, 120-17-48. E-mail: marketing@xb.uz 2. Тендер савдоси предмети — «Халқаро VISA пластик карталари учун 10 000 дона ПИН-конверт етказиб бериш». 3. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича кўшимча маълумотларни www.xb.uz сайти, шунингдек, душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин. 4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблари алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 25 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар қабул қилинади. Хизматлар лицензияланган.

Advertisement for KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI MCHJ. Text: Самарқанд вилоти филиали бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич оғиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосида таклифи этади. 1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 22 сентябрдаги 1-4656-сонли ижро варақасига асосан хатланган, туражарой майдон 93,88 кв.м. бўлган 5 хонали, Самарқанд шаҳри, Саттепо маскани, 154-уй, 16-хонадон қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 50 000 000 сўм. 2. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 25 августдаги 1-4662/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Жалолиддин Мангуберди кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, умумий майдон 720,0 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 66 250 000 сўм. 3. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 11 августдаги 1-3615/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 11-уйда жойлашган, умумий майдон 470,0 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 64 439 573 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 11.00 да «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоти филиали аукцион залида ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 15 январь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519. Манзил: Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (0-366) 233-80-56. www.1kms.uz rieltavdo@inbox.uz Лицензия: RR-0001.

Advertisement for Uzbekistan Republics Adliya Vazirligi. Text: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 9 ДЕКАБРДАН 11 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ. I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси Муҳофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 16 ноябрдаги 16, 33-сон «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролигидан чиқиб кетган четэлликларнинг ички ишлар ва муҳофаа ишлари бўлимлари томонидан харбий хизматдан озод этиш тўғрисидаги маълумотномани бериш бўйича йўриқноmani тасдиқлаш ҳақидаги қарори». 2015 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2737 (2015 йил 14 декабрдан қучга кирди). 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 3 декабрдаги 102, 2015-34-сон «Алкоғолли маҳсулотлар учун энг кам улугручи-сотиш ва чакана нархлари кайта кўриб чиқил тўғрисидаги қарори». 2015 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2738 (2016 йил 1 январдан қучга кирди).

Advertisement for Uzbekistan Republics Adliya Vazirligi. Text: II. Давлат рестиридан чиқарилиди: 1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Ҳизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақидаги бўйруғи (рўйхат рақами 2376, 2012 йил 3 июль)». Адлия вазирлигининг 2015 йил 11 декабрдаги 366-мҳ-сон бўйруғи билан давлат рестиридан чиқарилиди. 2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Ҳизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақидаги бўйруғи (рўйхат рақами 2421, 2013 йил 5 февраль)». Адлия вазирлигининг 2015 йил 11 декабрдаги 367-мҳ-сон бўйруғи билан давлат рестиридан чиқарилиди. 3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Ҳизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақидаги бўйруғи (рўйхат рақами 2421, 2013 йил 5 февраль)». Адлия вазирлигининг 2015 йил 11 декабрдаги 370-мҳ-сон бўйруғи билан давлат рестиридан чиқарилиди. Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш қилиниши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат рестиридан чиқарилиди.

Advertisement for BARS. Text: Товары сертифицированы, услуги лицензированы. Аккумуляторы BARS, производство — Казахстан. Тел. (+99895) 170-32-52. Факс (0-371) 250-07-40. E-mail: gruzshina@bk.ru WEB: gruzshina.uz

Advertisement for Gruzshina. Text: Товары сертифицированы, услуги лицензированы. ГРУЗОВЫЕ ШИНЫ ПО НИЗКИМ ЦЕНАМ. БЕСПЛАТНАЯ ЗАМЕНА ПО ГАРАНТИИ, ДОСТАВКА ПО ГОРОДУ ТАШКЕНТУ. Тел. (+99895) 170-32-52. Факс (0-371) 250-07-40. E-mail: gruzshina@bk.ru WEB: gruzshina.uz

Advertisement for KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI MCHJ. Text: «KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 7 ноябрдаги 216 (6399)-сон ва «Биржа» газетасининг 2015 йил 5 ноябрдаги 130 (1997)-сониде чоп этилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шохқўчаси, 6-«А» уйда жойлашган, ер майдон 910 кв.м. бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади. Асос: АТ Халқ банки Шайхонтоҳур филиалининг 2015 йил 11 декабрдаги 09/2477-сонли хати. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган Бўстонлиқ тумани юртимизнинг гўзал масканларидан бири ҳисобланади. У ўзининг бетакрор табиати, пурвиқор тоғлари кўркам боғлари билан машҳур. Угом — Чотқол Давлат табиат миллий боғига қарашли "Бурчмулла" ўрмон хўжалиги ҳам айни шу ҳудудда жойлашган.

ТАБИАТНИНГ БЕТАКРОР ДУРДОНАСИ

Мутахассисларнинг айтишича, ўрмонлар тоифасига кўра, тоғ, водий, тўқай ва чўл ўрмонларига бўлинади. Бурчмулла — мамлакатимиздаги энг йирик тоғ ўрмонларидан бири. Унинг майдони 354 минг гектардан иборат.

— Сув йўқ жойда дарахт ҳам бўлмайди, деган гапни кўп бор эшитганман, — дейди мазкур ўрмон хўжалиги раҳбари Абдукарим Абдухамидов. — Аксинча, дарахт йўқ жойда сув бўлмайди. Чунки ўсимликлар, айниқса, нинабаргли дарахтлар илдиз тизимида кўп миқдорда сув тўлаб, чашмаларни обиҳаёт билан таъминлайди. Бир гектарлик арчазор 6 минг куб литр сув йиғиши бунинг яққол далилидир. Хўжалигимиз худ-

дини айланиб чиқсангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Чунки бу ерда серсув чашмалар нихоятда кўп. Улар шу ҳудудда истиқомат қилаётган тўртта қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, Чотқол, Кўксув, Писком, Угом дарёлари ўзанларининг тўлиб оқишига хизмат қилади.

Хўжаликнинг аҳил жамоаси асосий эътиборни янги ўрмонлар барпо этиш, дарахтларни ёнги ва бошқа табиат талафотларидан муҳофаза қилишга қаратади. Натижада яшил худудлар йил сайин кенгаймоқда.

Угом ва Тянь-Шань тизма тоғлари қуршаб турган ушбу хўжаликнинг ҳавоси мусаффо, табиати эса ранг-баранг. Ҳудудда ёнғоқ, олма, ўрик, шафтоли, бо-

дом сингари мева; терак, эман, шумтол, тую дарахти каби манзарали; Қрим қарағайи ва арчага ўшаган нинабаргли дарахтлар учрайди. Умуман олганда, бу ерда ўсимликларнинг 1800 тури мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти доривор хусусиятга эга. Ҳудуднинг айтишича, талабдан келиб чиққан ҳолда, 40 турга яқин шиғобаш гуёҳлар йиғилиб, тегишли ташиқотларга топширилади. 30 гектардан зиёд майдонда етиштирилётган 20 хилдан ортқ кўчатлар Ватанимиз бағрини безаб, атроф-муҳит мувозанатини сақлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

— Бизнинг ўрмон хўжалигимиз биринчи гуруҳ ўрмонлар тоифасига киритилган бўлиб, айниқ-



са, сувни сақлаш, тупроқ кўчишининг олдини олиш, ҳавонинг мусаффолигини таъминлашда бекиёс аҳамиятга эга, — дейди суҳбатдошимиз. — Масалан, Бурчмулла ҳавосининг мусаффолиги Швейцариянинг кўрсаткичи билан бир хил экан. Бунга хўжалигимизга кўп бор ташиқот бўлган мазкур давлат мутахассисларининг ўзлари ҳам эътироф этишган. Демак, юртимизда табиий ўрмонларни беэволат сақлаш бўйича амалга оширилётган ишларнинг кутилган самарани берапти.

Халқимиз ўрмонларни ҳайвонот ва наботот оламини кела-

жак авлодга етказувчи кўприк сифатида алоҳида қадрлайди. Негаки, яшилликка бурканган жойларда ноб жониворларнинг кўпайиши учун қулай муҳит юзага келиши, табиий. Угом — Чотқол миллий боғида Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига киритилган айик, кийик, қор қоплони каби ноб турлар кўпайётгани бунга мисол бўла олади.

Ҳудуднинг асарларичилик, чорвачилик, йилкичилик каби ёрдамчи хўжаликларни йўлга қўйишга эса даромаднинг кўпайишига хизмат қилаётди.

Асод АСИЛ.

Эзгу мақсадлар рўёбга чиқмоқда

Мамлакатимизда банк тизимини такомиллаштириш, молия муассасаларининг хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш бора-бора муайян ишлар амалга оширилмоқда.

XALQ BANKI

Айниқса, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш, иқтисодий ноҳор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этаётди.

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратапти. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида банк томонидан 11588 та кичик бизнес субъектига 955,6 млрд. сўм миқдорда сармоя ажратилиб, 10425 та иш ўрни яратилгани ана шундан далolat беради.

Банк томонидан, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарига технология ускуналар харид қилиш учун 24 млрд. сўм, хом ашё ва материаллар сотиб олишга 152,9 млрд. сўм, иссиқхоналар ташкил этиш учун 2,9 млрд. сўм миқдорда сармоя ажратилди. Бунинг эвазига эса 2242 кишининг бандлиги таъминланди. Халқ банки билан ҳамкорлик қилиб, ўз бизнесини ривожлантираётган ишбилармон хотин-қизлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани, айниқса, эътиборга молиқдир.

— Ўзбек аёллари гўзаллиги латофати билан алоҳида ажралиб туради, — дейди фарғоналик яқка тартибдаги тадбиркор Санoат Абдуллаева. — Уларга замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида "Гўзаллик саломи" фаолиятини йўлга қўйдик. Бунда Халқ банкининг Кўқон филиалидан 5 йил муддатга

кредит олганимиз кўл келди. Бунинг учун банк жамоасидан миннатдоримиз.

Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг январь — ноябрь ойлари мобайнида банк томонидан 4010 нафар тадбиркор аёлга 121,5 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилиши туфайли 2343 та иш ўрни ташкил этилди. Жорий йил якунига қадар эса ушбу йўналишдаги кредитлар салмоғини янада ошириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Халқ банки томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида 45,7 млрд. сўм миқдорда сармоя йўналтирилгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш ва бандлигини таъминлаш бўйича ҳам кўламли ишлар амалга оширилади. Жорий йилнинг ўтган даврида 3294 нафардан ортқ битирувчиларга 30,3 млрд. сўмликдан зиёд имтиёзли кредит ажратилиб, 3375 киши доимий иш ўрнига эга бўлгани бунинг тасдиғидир.

— Банкдан 390 миллион сўм миқдорда сармоя олган эдик, — дейди "Равнак Пласт" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Олимжон Тиллабоев. — Бу маблаг ҳисобидан нафақат 12 киши иш билан таъминланди, балки аҳоли ва буюртмачи ташкилотларга арзон ҳамда сифатли полиэтилен плёнка маҳсулотлари, полиэтилен кувурлар етказиб беришни ўзлаштирдик.

Кўришиб турибдики, банк филиалларида амалга оширилаётган ишлар, ажратилаётган кредитларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши ва иқтисодий таъминотини рағбатлантиришга хизмат қилишига йўналтирилган.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Қатъиятли, интилувчан, ташаббускор

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Йигит-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес гоёларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам асосий дастурий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтга қадар ташкилотнинг "Менинг бизнес гоём", "Ёш тадбиркор — юртга мададор" каби танловлари навқирон авлоднинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётди.

— 2011 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес гоём" танловида қарийб тўрт юз мингга яқин йигит-қизлар иштирок этиди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши тадбиркорлик лойиҳалари координатори Бахтиёр Мирзатов. — Улардан 1705 нафарига 12,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Эртанги эгаларининг бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватлаши натижасида 4218 та иш ўрни яратилди. Етти йилдан буён ўтказилаётган "Ёш тадбиркор — юртга мададор" танловида эса кредит олишга тавсия этилган ёшлар сони 8 559 нафарга етди. Шу пайтгача уларга берилган кредитлар туфайли 17 мингга яқин иш ўринлари вужудга келди.

Эришилган ютуқлар кўламини ошириш, уларни изчил давом эттириш, бугунги ўсиб келаётган ёшлар талабини тўла қондириш, улар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида мазкур соҳада фаолият юриётган давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш долзарбдир. Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболларини белгилаб олишга йўналтирилган "Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлиги: ҳолати ва истиқболлари" ёш тадбиркорлар бизнес-форумининг ўтказилаётгани ҳам айни шу жиҳати билан муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманинг асосий мақсади — ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш соҳасида фаолият олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил рўёбга чиқаришдан иборат.

— Мазкур тадбирда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўз бизнесига эга ёшлар иштирок этмоқда, — дейди "Камолот" ЕИХ Марказий кенгаши тадбиркорлик лойиҳалари маркази раҳбари Алишер Исмолов. — Форумнинг худудий босқичларида 1500 нафардан зиёд ёш тадбиркорлар ўз лойиҳа ва тақлифлари билан қатнашган бўлса, мамлакат босқичида ҳар бир худуддан олти нафардан йигит-қиз, бир нафар худудий консультатив

маркази координатори ҳамда Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси масъул ходими қатнашаётди. Бизнес-форум иши олти шубҳага бўлинган ҳолда олиб борилмоқда. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари вакиллари, депутатлар, мутахассислар жалб қилинган шўбаларда ёшларга тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, бу борада яратилган имконият ва имтиёзлар юзасидан тушунтиришлар берилаётгани алоҳида эътиборга молиқ.

— Ўн йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланман, — дейди тадбир катнашчиларидан бири, фарғоналик Шаҳнозаҳон Ғаниева. — Корхонамиз аҳолини қандолат маҳсулотлари билан таъминлашга иқтисослаштирилган бўлиб, бу ерда касб-хунар коллежларини тамомлаган юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ушбу бизнес-форумда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, бизнесрежа тузиш, инновациялар юзасида экспорт-импорт операцияларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқлар ва уларга белгиланган имтиёзлар, кредит турлари, гаров таъминоти, гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби юзасидан тегишли тавсиялар берилаётгани фаолиятимизни янада кучайтиришда муҳим ўрин тутди.

Тадбир доирасида ёшлар учун соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар, маҳорат дарслари, бизнес-саёҳатлар ва давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Маълумки, замонавий суғурта бозорини шакллантириш, соҳага иқтисослаштирилган компаниялар ўртасида рақобатни ривожлантириш ва таклиф этилаётган суғурта хизматлари сифатини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада иқтисодиётимиз ривожига, ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишида мазкур тизимнинг роли тобора ортаёпти.

Суғурта бозорида замонавий хизматлар

Пойтахтимизда "Кафолат" суғурта компанияси акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида атрафиҳа сўз юритилди. Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ва "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунлари ижросига бағишланган ушбу тадбирда қайд этилганидек, юртимизда суғурта тизими қаратилаётган эътибор туфайли у нафақат аҳолини ижтимоий ҳимояловчи ёки ишбилармонлар фаолиятини рағбатлантирувчи, балки иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи омил сифатида намойён бўлмоқда.

Компаниянинг Мажбурий суғурта департаменти бош менежери Азамат Раҳматулаевнинг айтишича, ўтган вақт мобайнида ана шу қонунлар ижроси доирасида жойларда 90 дан зиёд бўлинмалар фао-

лиятни йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ҳайдовчилар учун қулай манзилларда суғурта полислари сотувчи бир қатор шохобчалар ташкил этилиб, 1300 дан ортқ агентлар бу юмушга жалб қилинди. Пировардида мажбурий суғурта тури амалиётга киритилганидан буён 1,8 миллиондан зиёд полислар сотилди.

Айни пайтда суғурта ташкилотларининг асосий фаолиятдан бири жабрланганларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилаётгани диққатга сазовор. Негаки, бунинг самараси ўлароқ, жорий йилнинг тўққиз ойида компания томонидан суғурта ҳодисаси бўйича 9,6 миллиард сўмликдан ортқ суғурта қопламаси тўла берилган бўлса, мазкур кўрсаткич иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси йўналишида 6,75 миллиард сўмга етказилди.

Тадбирда, шунингдек, мутахассислар компания жамоасининг келгусидаги режалари бўйича ҳам маълумот бердилар.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик учун сармоя

Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида Инвестиция дастури доирасида қиймати 3 миллиард 400 миллион сўмлик хирургия биноси фойдаланишга топширилди.

ТИББИЁТ

Натижада умумий жарроҳлик, урология, невротравматология, анестезиология-ренимация бўлимлари ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий шароитга эга бўлди. Бинобарин, зарур тахассис асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қабул бўлимида текширувларни марказлашган ҳолда ўтказиш имконияти яратилди.

Ҳудудий ичимлик суви билан таъминланган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти кислород тармоғига уланган. Ваҳолонки, аввал сунъий нафас олдириш муолажасини фақат алоҳида хоналарда бажариш мумкин эди. Шунингдек, жарроҳлик блокимиз ҳам тиббиётнинг белгиланган талабларига тўлиқ жавоб беради.

Айтиш лозимки, муассасада илгор тиббий технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, турили касалликларни даволашда тигис жарроҳлик усулидан кенг фойдаланилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бинони куёш батареяси ёритиши

Шофирқонда туман фуқаролик ҳолати далоятномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, уни куёш батареяси ёрдамида ёритиш имконияти яратилган.

ҚУЛАЙЛИК

— Эндиликда муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда, замонавий ахборот технологиялари воситасида фаолият олиб борамиз, — дейди мазкур бўлим мудири Рашид Шодиёв. — Янги бинода ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, никоҳланувчилар онгига оила муқаддас тушунча эканини сингдириш, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш каби олжаноб мақсадларни рўёбга чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун барча қулайлик муҳайё этилган. Ишшоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 414 миллион сўм сарфланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for "FPI DELIVERY SERVICE" MCHK, featuring images of agricultural machinery like tractors and harvesters. Text describes services for delivery and maintenance of machinery.

Advertisement for "Қибрай" sanatorium, listing various medical services, treatments, and contact information for the facility.

Large footer area containing contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.